

## АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДА МАНЗУМА МУСАЛЛАСЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Сирожиддин Сотволдиев Махаммаддин ўғли

Ориентал университети

[sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com](mailto:sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада араб лексикологиясида алоҳида ўрин тутувчи, бироқ кам даражада ўрганилган шаклдош-талаффуздош сўзлардан тузилган манзума лугатлар ҳақида сўз юритилади. Бундай лугатлар назмда арузнинг ражас баҳрида ёзилган. Арузнинг ушбу баҳри илмий доира вакиллари томонидан энг кенг фойдаланилган баҳр ҳисобланади. Мақолада манзума мусаллас лугатларнинг хусусиятлари, тузилиш принциплари ва уларни тадқиқ этишидаги ўзига хосликлар ҳақида қарашлар илгари сурилган.*

**Калит сўзлар:** манзума, мусаллас, лексикография, араб тили, Қутруб, Ибн Молик.

### ABSTRACT

*In this article, we will talk about syntactic dictionaries, which have a special place in Arabic lexicology, but are little studied. Such dictionaries are written in the rajaz bahr of aruz in nazm. This sea of Aruz is the most widely used sea by representatives of the scientific community. In the article, views on the features, principles of structure and peculiarities in their research are put forward.*

**Keywords:** manzuma, musallas, lexicography, arabic language, Qutrub, Ibn Malik.

### КИРИШ

Араб тилшунослиги тарихида шаклдош-талаффуздош сўзларни ўрганишга бағишланган ва бу борада ўзига хос анъана тусини олган кўплаб мусаллас туридаги луғатлар тузилган. Бундай луғатларнинг айримлари манзума шаклида, яна айримлари эса мансура шаклида ёзилган. Жумладан, мазкур диссертацияда тадқиқ этилган «Muthallath<sup>u</sup> Qutrub<sup>a</sup>» асари ва Ибн Моликнинг «Al-'i'lām<sup>u</sup> bi-muthallath<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>» асари назмда ёзилган бўлса, Ибн Саййид Баталявсийнинг «Al-muthllath<sup>u</sup>»и ва Ибн Моликнинг «Al-'Ikmāl<sup>u</sup> al-'I'lām<sup>i</sup> bi-tathlīth<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>» номли рисоласи насрда битилган.

Манзума луғатларнинг ҳар иккиси ҳам арузнинг ражаз баҳрида ёзилган бўлиб, турли тазкира ва таржимаи ҳол китобларида уларни «уржуза» деб номлаш ҳолатлари учрашининг сабаби шундадир. Аслида илк ўрта асрларда Ислом оламида илмий матнларнинг аксариятини айнан ражаз баҳрида назмга солиш анъанаси ҳам шаклланган эди. Хўш, нега айнан ражаз баҳри илмий матнлар вазнига айланди?

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Арузнинг 16 баҳри орасида шоирлар томонидан энг кўп мурожаат қилинадиган ва шу боис «шоирларнинг хачири» дея таърифланадиган баҳр бу ражаздир<sup>1</sup>. «Ражаз» сўзи луғавий жиҳатдан туяларда учрайдиган ҳолсизликни ифода этади. Бу ҳолатда туя ўрнидан тураётганда унинг тиззалари ҳолсизликдан қалтирайди. Бадавий араблар шу дардни «ражаз» деб аташган<sup>2</sup>. Туянинг чарчоқ ва ҳолсизлик туфайли сарак-сарак қадам ташлаши ражаз баҳрининг вазнини ҳам эсга солади: ҳаракат-суқун, ҳаракат-суқун, ҳаракат-ҳаракат-суқун...

Арузшунослар яна ражаз баҳрининг бошқа баҳрлардан кўра насрга энг яқин эканини ҳам таъкидлашади<sup>3</sup>. Ражазнинг асосий рукни: mustaf'ilun бўлиб, бу рукннинг олти марта такрорланишидан ражаз баҳри ҳосил бўлади.

Шунингдек, ражазда нозим учун бир қатор эркинликлар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан ҳар бир байтни бошқа байтларга боғлиқ бўлмаган мустақил қофия билан тузиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, уржузада ёзилган асарнинг ҳар бир байтидаги ҳар бир мисра алоҳида байт деб ҳисобланиши ва мисранинг ўзида ички қофияланиш бўлиши табиий ҳолдир<sup>4</sup>.

Ражаз баҳрининг илмий матнлар «қуроли»га айланишининг яна бир сабаби, узундан-узун маълумотлар ва далилларни ёд олиш, эсда сақлаш ва такрорлашга жуда қулайлигидир. Чунки инсон фитратида назмга мойиллик бўлиб, қофия ёки сажъ билан ёзилган матнни осон ва тез хотирасида сақлаб қолади. Шу жиҳатлар ҳисобга олинса, мусаллас туридаги луғатларнинг ҳам нега айнан ражазда ёзилгани аён бўлади.

## НАТИЖАЛАР

Тадқиқотимиз объектларидан бири бўлган «Muthallath<sup>u</sup> Qutrub<sup>a</sup>» манзумасининг биринчи байтини тақтиъларга ажратиб чиқамиз:

يَا مُوَلَّعِنَ      بَلْعَضَبِي      وَلَهْجَرَوْتِ      تَجَنَّبِي

<sup>1</sup> Ahmad<sup>u</sup> Al-Hāshimiy<sup>u</sup>. Mīzān<sup>u</sup> adh-dhahab<sup>i</sup> fī šinā'at<sup>i</sup> shi'r<sup>i</sup> al-'arab<sup>i</sup>. –Al-Qāhirat<sup>u</sup>: Hindāwiy, 2016. –Ş.63.

<sup>2</sup> Mu'jamu al-wasīf.

<sup>3</sup> Ahmad<sup>u</sup> Al-Hāshimiy<sup>u</sup>. Mīzān<sup>u</sup> adh-dhahab<sup>i</sup> fī šinā'at<sup>i</sup> shi'r<sup>i</sup> al-'arab<sup>i</sup>. –Al-Qāhirat<sup>u</sup>: Hindāwiy, 2016. –Ş.63.

<sup>4</sup> Қаранг: ўша манба. –Ş.64.

ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//
مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ
وَلَلْعَبِي	فِي جِدْهِ	بِرَّحِ بِي	حُبِّكَ قَدْ
ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//
مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ

Жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи мисранинг «аруз» қисмида ўзгариш бор: *musta‘ilun*, яъни мажзуъ бўлиб келган. Демак, шунга асосланиб, бу манзуманинг ражази мусаддаси мажзуъда ёзилганини хулоса қила оламиз.

Қиёслаш учун Ибн Моликнинг «*Al-‘i‘lām<sup>u</sup> bi-muthallath<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>*» номли уржусасининг дастлабки байтини тақтиъларга ажратиб кўрамыз:

وَهَاهِي	دَلْمَالِكِ	إِنْبَاعَ حَمَّ
ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//
مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ
أَوْ أَبِي	عَلَّرَ رَضْلُ	صَلَّاتُهُ
ه//ه//	ه//ه//	ه//ه//
مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ	مُسْتَفْعِلُنْ

Жадвалдан маълум бўлдики, бу манзума ражази мусаддаси мактуъ баҳрида ёзилган.

Таъкидлаш лозимки, бу мулоҳазалар уржуза асарлар учун якуний хулоса бўла олмайди. Чунки илмий адабиётларда уржусаларга нисбатан «муздаваж» истилоҳи ҳам қўлланадики, бу атама нозимнинг баъзан вазн, баъзан қофия борасида хилма-хил услубларни қўллаши мумкинлигини назарда тутати.

## МУҲОКАМА

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан сўнг манзума мусалласларда вазн умумий хусусият экани равшанлашди. Бироқ сўзларни изоҳлаш ва мусалласларни назмга солишда ҳар бир нозимнинг ўз услуби бўлиши мумкин. Бу услубларни «*شرب*» ўзаги асосидаги мусалласнинг ҳар икки манзумада қандай изоҳланганини таҳлил қилиб кўрамыз. «*Muthallath<sup>u</sup> Quṭrub<sup>a</sup>*»нинг ўнинчи байти шу мусалласга бағишланган ва унда шундай дейилади:

ذَلَقْتُ نَحْوَ الشَّرْبِ وَ لَمْ أَذْ عَنْ شِرْبِي  
فَأَنْقَلَبُوا بِالشَّرْبِ وَ لَمْ يَخَافُوا عَضْيِي<sup>1</sup>

Маъноси: «(Ичимлик) ичувчилар гуруҳи томон ошиқдим – текин насибамдан тўсишмади, ичиш жойига кетишди – ғазабимдан кўрқишмади».

<sup>1</sup> Quṭrub<sup>u</sup>. Al-muthallath<sup>u</sup>. –Bayrut, 1990. –S.8.

Мазкур байтдаги «شَرْب», «شِرْب» ва «شُرْب» сўзлари «ичувчилар гурухи», «текин насиба» ва «ичиш жойи» маъноларини билдирмоқда.

Ибн Молик эса ўз «Al-'i'lām<sup>u</sup>»да бу мусалласни бундай назмга солади:

و الشَّرَابُونَ قِيلَ فِيهِمْ شَرْبٌ      وَ كُلُّ حَظٍّ مِنْ شَرَابٍ شِرْبٌ  
وَ شُرْبٌ وَ إِنْ تَشَأْ فَشُرْبٌ      جَمْعُ شُرُوبٍ مُكْتَبَرِ الشَّرَابِ<sup>1</sup>

Маъноси: «Ичувчилар (*tўғри кўплик*) дегани яна sharb (*синиқ кўплик*) ҳамдир, сувдан текин насиба shirbдир. Яна shurub, хоҳласанг, shurb – бу кўп ичувчи маъносидаги sharūbнинг кўплиги».

Ибн Моликнинг байтларини тўлиқ таржима қилиш имконсиз, чунки унинг манзумасида сўзларни ўз муродиф (синоним)лари билан изоҳлаш етакчилик қилади. Ибн Молик манзумаси «Al-'i'lām<sup>u</sup> bi-muthallath<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>» 2704 байтдан иборат, ҳажман жуда катта. Муаллиф унда 159 та сўз варианты, 1205 та омоним ва пароним сўзларни изоҳлаган. Ҳаракатлари ўзгариши билан маъноси ҳам ўзгарувчи (омоним ва пароним) сўзлар (1205та) миқдори бўйича Ибн Молик ўзидан аввал яшаб ўтган Ибн Саййид Баталявсийнинг «Al-muthallath<sup>u</sup>» луғатидаги миқдорни (695та) тўлдирди.

Манзуманинг муқаддима қисми қарийб 36 байтдан иборат. Унда китобнинг Носир Ҳуфайд Салоҳуддинга бағишлангани айтилган ва бу подшоҳ мадҳ этилган.

Сўнг муаллиф китобни тузишда тутган йўли, қандай тақсимотдан фойдалангани хусусида тўхталади. Унга кўра, дастлаб «المثلث المنفق المعني» – ҳаракатлари ўзгарса-да маъноси ўзгармайдиган (вариантдош) сўзлар келтирилган. Бу бобда аввал исмлар, кейин феъллар изоҳланган. Исмлар ўзак ҳарфларининг ҳаракати ўзгаришига биноан ҳам тақсимланган.

Бу бобнинг феълларга бағишланган фаслида эса фақат ўтган замон феълдан иборат мусалласлар мавжуд.

Манзуманинг «المثلث المختلف المعني» – ҳаракатлари ўзгариши билан маъноси ҳам ўзгарувчи (омоним ва пароним) сўзларга бағишланган боби нисбатан катта бўлиб, 28 фаслдан таркиб топган. Фасллар сўзнинг биринчи ўзак ҳарфи эътибори билан алифбо тартибида жойлаштирилган. Аммо фаслларнинг ички тартибида сўзларнинг иккинчи ва учинчи ўзак ҳарфлари эътиборга олинган.

Феъллар билан бирга уларнинг масдарлари ҳам келтирилган.

Аввал фатҳали, сўнг касрали ва охирида заммали сўзлар мусалласдан ўрин олган.

<sup>1</sup> 'Ibn Mālik<sup>in</sup>. Al-'i'lām<sup>u</sup> bi-muthallath<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>. –Bayrut, 1994. –S.301.

## ХУЛОСА

Ибн Молик ушбу манзумасида ҳам мусалласларнинг манбалари ҳақида бирор гап айтмаган. Бироқ айрим сўзлар изоҳидан сўнг унинг манбасига ишора қилиб ўтади. Шулар асосида Ибн Моликнинг манзума мусалласига асос бўлган манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) Ибн Саййиданинг «Al-muhkām<sup>u</sup>» асари;
- 2) Абу Исҳоқ Форобийнинг «Dīwān<sup>u</sup> al-'adab<sup>i</sup>» луғати;
- 3) «Muthallath<sup>u</sup> Quṭrub<sup>a</sup>» манзумаси;
- 4) Сибавайҳнинг «Al-kitāb<sup>u</sup>» асари;
- 5) Фарроънинг луғатлари;
- 6) Ибн Саййид Баталявсийнинг «Al-'iqtidhāb<sup>u</sup> fī sharh<sup>i</sup> 'ādāb<sup>i</sup> al-kuttāb<sup>i</sup>» асари.

Таъкидлаш керакки, «Al-'i'lām<sup>u</sup> bi-muthallath<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>» манзумасидаги 1205 та омоним ва пароним сўзларнинг 1030 таси исм, 175 таси (мозий) феъл сўз туркумига оиддир. Шунингдек, 1005 та сўз биринчи ўзак ҳарфининг ҳаракатига кўра, 180 таси иккинчи ўзак ҳарфининг ҳаракатига кўра, 5 та сўз учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракатига кўра, 9 таси биринси ва иккинчи ўзак ҳарфининг ҳаракатига кўра, 6 та сўз биринчи ва учинчи ўзак ҳарфининг ҳаракатига кўра бир мусаллас жамланган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sotvoldiev, S. (2023). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID'S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(7), 62-66.

2. Sotvoldiev, S. (2022). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID'S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". Thematics Journal of History, 8(1).

3. Maxammaddin o'g'li, S. S. (2023). IBN MOLIK HAYOTI VA UNING ARAB TILSHUNOSLIGIDA TUTGAN O'RNI. Vol. 2 No. 11 (2023): Innovative Development in Educational Activities (IDEA)

4. Sirojiddin, S. (2023). «МУСАЛЛАС» ТУРИДАГИ ЛУҒАТЛАРНИНГ АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДАГИ ЎРНИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(11), 356-365.